









ЭЪТИРОФ

Маърифатнинг олов кўйлаги

Фольклоршунос олим Асрор Самад қаламига мансуб «Сурхондарёнинг икки дарвозаси» деган мақолани ўқиганимда, очиги сарлаҳадан таажубланган эдим. Вилоятга кириб келадиган йўллар кўп-ку, нега иккитагина дарвоза бўлар экан, деган фикрда мақолани охиригача ўқиб чиксам, бу гап хурматли устозимиз профессор Холмирза ака Халиёвнинг Тоштемир Турдиев шахсиятига бўлган эътирофи экан. Дарҳақиқат, вилоятимизга таширф буюрган қайси бир ижодкор бўлмасин, Деновга келиб энг аввал Тоштемир акани суриштиришига деярли ҳар ҳафта гувоҳ бўламан. Вилоятимизнинг иккинчи дарвозаси бўлган Деновда дарвозабон Тоштемир ака Турдиев экани топиб айtilган иборалигига имон келтираман.

тинимсиз ижод қилди, изланди. Яна бир гап, яқинда «Сурхондарё халқ кўшиқлари» тўпламини ҳам нашрга топширибди. Агар шу китоби ҳам дунё юзини кўрса, устоз ёзган китоблар сони тўппа-тўғри 15 та бўлади.

Тоштемир аканинг хизматлари фақат ёзган асарлари билангина ўлчанмайди. У ҳассос шоира, ўзбек хотин-қизлари орасидан биринчилардан бўлиб етишиб чиққан ижодкор Раъно Узоқованинг пок номи ва адабий меросини халққа танитиди, шоира ҳақида оз эмас, кўп эмас, учта китоб чоп эттирди. Шу илмий изланиш боис Шароф Рашидов билан учрашиш, учрашганда ҳам Раъно Узоқовага боғлиқ хотиралари хусусида суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлди.

Тақдир Тоштемир акани кўп синовлардан ўтказди, ҳали бир ёшга тўлар-тўлмас отаси урушда ҳалок бўлади, журналист Тожиддин Раззоқнинг Тоштемир ака хусусида «Тоштемир акага ёшлғида ҳам, ҳозир ҳам ҳеч ким Москва тугул Деновнинг бозоридан ҳам «плитчиний» шоколат олиб келмаган» деган эътирофи айни ҳақиқат.

У киши нимага эришган бўлса, яхшиларга ёндашгани, ўзининг меҳнати самараси ўлароқ эришган.

Ота-онадан етим қолган Тоштемир ака Бухоро давлат педагогика институтини тугатиб, 1965 йилда Денов туманининг «Фалаба учун» газетасида ишлай бошлайди. Бу даргоҳ том маънода у кишининг келажакни белгилайди, шoir, ёзувчи сифатида танилади. Тиришқоқлик, изланувчанлик сифатлари билан туман арбоблари эътиборига тушиб, узоқ йиллар катта идораларда маъсул вазифаларда ишлади, мустақиллик йилларида туман ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимида ҳам фаолият кўрсатди. Энг кизиги шуки, бирор фурсат қаламини



Мансур РИХСИЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙХХББ катта инспектори, подполковник

Достоннинг ёзиб олиниш жараёнини яхши эсламан, бахши дегани кўнгли нозик, инжиқ, сал гапга гина қилиб, дўмбирани ёнига қўйиб кўядиган тоифа инсонлар бўлар экан. Хушбоқ бахши Мардонакул ўғли кеча-кундуз устознинг хонадонига «Алпомиш»ни кўйлади, ёзишга улгурмаган жойингизни қайта сўраб кўринг-чи, оғзига асал ялгансангиз ҳам тақорламас экан бахшилар.

Шунча азоб нимага керак бу одамга ўзи, етарли обрўси бўлса, ўндан ортик китоби чиқиб, эл орасида таниқли бўлса, бола-чақалар ҳам ўларидан тинишган, рўзгорлари бурс, тинчгина ишини қилиб юрса бўлмасмикан, деган ҳаёлларга берилган вақтларимда, фикримни илғаб, «Буюк (у киши кўнглига ёққан одамга шундай мурожаат қиладилар) бу ишни сизу биз қилмасак, ким қилади? Мухтарам Президентимиз айтганларидек, шу Ватанимиз деб ёниб яшамасак, маънавий меросларимиз намуналарини ёшларга сингирдирмасак, ватанпарварлигимиз қаерга қолади?» деган пайларга кўп бўлган.

Ҳа, Тоштемир ака Денов адабий мухити дарвозасида туриб, бу гўшадан республикамизда таниқли, ўз йўли ва овозига эга бўлган журналист, ёзувчи, адабиётшунос олимлар вояга етишига устозлик қилди. Шу бараварида ўзи ҳам

оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шунинг учун ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш фақат Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг иши деб қарамасдан, бу ишга барча бирдек масъулият билан ёндашиши керак.

Йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи транспорт воситалари ҳаракатини назорат қилиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича барча бир ёқадан бош чиқариб ишласа, аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатилишига, йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажарилишига ўз ҳиссасини кўшган бўларди.

Мансур РИХСИЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙХХББ катта инспектори, подполковник



Осимхон ВОСИХОНОВ чизган

МЧЖлар кўпаймоқда

Давоми. Бошланғичи 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида эслатилган қарорлари ижросини таъминлаш, йўловчи ташиш билан шуғулланувчи транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солиш ва фаолиятини назорат қилиш мақсадида давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, давлат Солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Автомобил ва дарё транспорт агентлиги билан ҳамкорликда махсус рейдлар ўтказилиб борилмоқда.

Ўтказилган махсус рейдларда жорий йилнинг ўтган 6 ойида республика бўйича 384.994 та йўловчи ташиш билан шуғулланувчи транспорт воситаси текширилиб, 91.391 та қоидабузарлик, жумладан 8.017 та тегишли ҳужжатларсиз, 124 та маст ҳолда, 5.193 та техник жиҳатдан носоз, 2.275 та техник ҳолати йўналишига чиқадиган олдин текширилмаган, 2.720 та ҳайдовчиси кунлик тиббий кўриқдан ўтмаган каби ҳолатлар аниқланди. Ҳайдовчилар томонидан йўл қўйилган ҳар қандай қоидабузарлик оғир

ИЗҲОР

Ҳар бир жамоада фидойи, касбини қисмат деб билган, зиммасидаги вазифани бировнинг кўзи учун эмас, қўлидан келгунча, астойдил бажаришни виждон бурчи санайдиган кишилар бор. Бундайлар, борди-ю ҳаётини қайтадан бошлаш имконияти берилган тақдирда ҳам, ҳеч иккиланмай шу касбини танлашади.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ

Ақсарият меҳнат фаолияти газетамиз тахририятида кечаётган устоз журналист Абдужалил Халилов ҳақида шундай фикрни айтиш мумкин. Зиёли, китобхон оилада ўсганлиги боисми, у мактабда ўқиб юрган чоғидаёқ кўлига қалам тутган, бадиий ижод, журналистикага ҳавас қўйган, мақолалари республика ўқувчи-ёшлар нашрлари, «Бухоро ҳақиқати» (ҳозирги «Бухоронома») вилоят газетаси саҳифаларида босилиб турган. Ҳикоялари «Гулхан» журнали, «Гулдаста» жамоа тўпламларида эълон қилинган. Болалик орзуси катъий мақсадга айланиб, у ТошДўнинг журналистика факультетида ўқишга кирди. Унинг маҳорат бобидаги камолотида таниқли, зукко адабиётшунослар, фаннинг пешқадам билимдонлари саналган Озод Шарофиддинов, Умарали Норматов, Беғали Қосимов сингари олимларнинг сабоқлари, кейинчалик шоир ва журналист сифатида эл назарига тулган Абдулла Шер, Мухаммадали Қўшмоқов, Саъдулла Аҳмад, Эргаш Мухаммад, Хайрулла Жўраев, Отаёр, Ирисмат Абдуҳолиқов сингари курсдош ижодкорлар мухитининг таъсири ниҳоятда катта бўлди.

Энг фаол, тезкор ва сермахсул

Устоз журналист Абдужалил Халилов, ана шундай фазилатларга эга

— Биринчи-курс амалиётини «Совет Ўзбекистони» («Ўзбекистон овози») газетасининг адабиёт ва санъат бўлимида ўтадим, — дея хотирлайди Абдужалил ака талабалик йилларида юз берган унутилмас воқеалар ҳақида сўз кетганда. — Таниқли шоира Эътибор Охунова бўлиму мудири эдилар. Абдулла Қаҳҳорнинг «Маҳалла» хикояси босмага тайёрлаб қўйилган экан. Улуғ адиб тахририятга кўнғироқ қилиб, хикояга айрим тўзатишлар киритганини билдирдилар. Ҳикоя чиққунга қадар кўлэмани икки марта Абдулла Қаҳҳорга элтиб, тўзатишлар билан қайтариб олиб келганман.

Бу нимаики ёзиб тақдим этса, истаган матбуот нашри эълон қиладиган даражадаги мавқега эга бўлган улкан адибнинг амалиётчи талабага билвосита берган ўзига хос бир умрлик сабоғи бўлди. Бўлғуси журналист кўлэма устида қанчалик қаттиқ ишлаш, тахрир этиш, сўз масъулиятини англаш, ўзига нисбатан талабчанлик заруригини чуқур англаб етди.

Яна бир унутилмас, сабоқ бўларли воқеа 1968 йил Осиеъ ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг анжуманида юз берди. Анжуманда доғистонлик машҳур адиб Расул Ҳамзатов ҳам иштирок этаётганди. Унинг «Менинг Доғистоним» китоби катта шов-шувга сабаб бўлган, қўлма-қўл ўқилаётган, асар истеъдодли шоир Эркин Воҳидов таржимасида «Гулистон» журналида босилаётган, айни пайтда «Менинг До-

ғистоним»га миллатчилик, шўро мафкурасига ёт асар сифатида қарашлар ҳам тобора зўрайиб бораётган пайт эди. Адиб асарнинг иккинчи китоби устида ишлайётганидан кенг жамоатчилик хабардор эди. — Расул Ҳамзатов билан бўлган учрашувлардан бирида иштирок этдим. «Китобингиз юртга, миллатга меҳр ҳиссига йўғрилган. Ягона совет халқи, умуммиллий қарашларга эди асар сифатида танқид қилинганидан ҳам хабаримиз бор. Иккинчи китобингизда ҳам ўша руҳ сақланадими ёки бошқача фикрга келдингизми?» дея савол бердим, — дея хотирлайди Абдужалил ака ўша учрашудан сўнг Р. Ҳамзатов билан эсдалик учун бирга тулган суратни кўрсатар экан. — Улкан адиб «Сен ўзинг қандай бўлишини хоҳлардинг?» дея ўзимга савол билан мурожаат этди. «Мен ҳам ўз миллатим, халқимни шундай улуғлардим, деганимга жавобан «Иккинчи китобда ҳам айнан шундай йўл тутилган», деди.

Шу суҳбат боис Абдужалил ака миллатни севиш, она-юрт маффеати ҳар қандай қарашдан устун туриши кераклигини умрга татиғулик даражада, янада теран англаб етди. Уша пайтларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўладиган ижодий ҳисоботлар, учрашувлар, бошқа оммавий тадбирлар бўлажак журналистлар, умидли ёш каламкашлар иштирокисиз ўтмасди. Уларда таниқли ижодкорлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, баҳс-

мунозаралар, ижодий мухит, тахририятлар билан яқинлашув, Андрей Вознесенский, Евгений Евтушенко, Белла Ахмадулина сингари адибларнинг шеърят кечалари ҳам А. Халиловнинг нафақат каламкаш сифатида ўз маҳоратини оширишида, балки фаол, жамиятда кечаётган воқеа-ҳодисаларни теран идрок эта оладиган шахс сифатида шаклланишида ҳам муҳим аҳамият касб этди.

— Очигини айтганда, инсон бир умр жамиятнинг олд вакиллари, муайян соҳа номандалари фаолияти, ҳаётини, атрофдагилардан ниманидир ўрганган, кўрган-билганларидан ўзига хулосалар чиқаради. Ақс ҳолда одам ўз қобилига ўрналиб, буридан нарини илғамайдиган бўлиб қолади, — дейди Абдужалил ака.

Унинг ўзи бир умр шу ақидага амал қилиб яшапти. Мана, университетни битириб «Бухоронома» тахририяти талабномаси билан ишга келганига ҳам салкам ўттиз саккиз йил бўлгати. Фаолиятини корректурада бошлаган ёш журналистдаги иқтидор, ўз устида ишлаш ва интилишининг қўнчилигига ишонч ҳосил қилган газета бош муҳаррири, таниқли шоир Тошпўлат Ҳамидда унинг келажакига ишонч ёгонди. Корректурадан бўлимга ўтказди. Бош муҳаррир нафақача чиққан Нурлат Ашуров ишлаган хонага уни бошлаб кириб:

— Бу жойда энг зўр, ҳозиржавоб журналист ўтирган, тахрири зўр, ўз касбининг моҳири бўлишга қарамай

ниҳоятда камтар эди. Сен ҳам шунга муносиб бўл, — дея ният билдиргани Абдужалил Халиловнинг хотирасига бир умр муҳрланиб қолган. Бироз вақт ўтган, у адабиёт, санъат, ижтимоий соҳаларни ёри-тадиган маданият ва турмуш бўлими мудириликга тайинланди.

Абдужалил Халиловнинг меҳнат биографиясида партия ва ҳокимият органларида кечган сермазмун саҳифалар ҳам бор. Турли лавозимларда, айниқса, вилоят ҳокимининг ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи ўринбосари вазифасидаги фаолиятида ҳам бой тажрибаси, ҳамиша одамлар орасидалиги, давр руҳини теран англаш, ўта камтарлик ва меҳнатсеварлик сингари газетанда ишлаб ортирган ва онгу шу-урига сингишиб кетган фазилатлари билан ҳамиша эл назарида бўлди. Ф. Ҳўжаевнинг 100 йиллиги, Фитрат таваллудининг 110 йиллиги, Бухорои Шарифнинг 2500 йиллиги каби катта тадбирларни ташкил этишда ўз муносиб улушини кўшди.

Мана, кейинги қарийб ўн йилдан бери у бош муҳаррир ўринбосари сифатида фаолиятини давом эттирмоқда. Жуда кўп ёшларга маслаҳатлари, йўл-йўриқлари, тажрибаси билан устозлик қилгати, ҳозиржавоблиги, тезкорлиги билан шахсий ибрат кўрсатиб келгати. Бир жамоада меҳнат қилаётган Учқун Тожиев, Акбар Рустамов каби ёшлар, Эркин Ёдоров, Иззатулло Ҳожиёв сингари тажрибали журналистлар ва



Абдужалил Халилов олтинчи баҳорни қарши олди. Устозлари, дўст-биродарлари, мухлислари уни ҳаётини давом эттиришга қўллаб-қувватлади.

ларига ҳеч иккиланмай, биринчи бўлиб Абдужалил Халилов номини тилга олган бўлардим. Бу эътирофда мутлақо муболага йўқ ва фикримга Абдужалил акани таниган билган, бирга ишлаган ҳамкасбларим, тахририят ҳаётини хабардор ҳар бир газетхон тўлиқ қўшилиши аниқ. Унинг берилган топшириқларга муносибати, фидойилиги, қуноқ-чақлиги ҳам бошқаларга ибрат бўларди.

Абдужалил Халилов олтинчи баҳорни қарши олди. Устозлари, дўст-биродарлари, мухлислари уни ҳаётини давом эттиришга қўллаб-қувватлади. Эзгу истақларини издор этмоқдалар. Яхшилик, ҳалол меҳнат, изланиш, касбга садоқат қон-қонига сингиб кетган бу инсоннинг умри газета тахлавларида, давр руҳи, кечаётган жараёнлар, ютуқ ва камчиликлар акс этган мақолаларда, «Бухоронома олис жангтоҳларда» китобида, «Ўзбекистон қаҳрамонлари» жамоа тўпламида муҳрланиб қолган. Ўқувчилар ҳали узоқ йиллар устоз қаламига мансуб турли жанрларга оид долзарб, ҳаётимизнинг ранг-баранг қирраларини қамраб олган яна кўплаб материалларни ўқийдилар.

Назм

Кўзига тик қаролмайман, жазоси дилни ўртайдур

Қаро хол оразинг четлаб, нега зулф ёнига тушди, У холнинг соясин ҳатлаб, кўзим осмонига тушди.

Қароқилар аро қолиб, кўзимда мангу жой олиб, Анинг илдизлари бориб, дилим уммонига тушди.

Адо айлаб жудоликлар, тамоми бенаволиклар, Ҳама холдек қароликлар умр поёнига тушди.

Нигоҳлар оташи ўқдай, ёниб кетмоқдаман чўғдай, Юрак ўз ўрнида йўқдай, тиги пайқонига тушди.

Дарахдай сарғайиб боққан, йўлимда дилмикан ёққан, Узилган сўнгги япроқдан, бири домонига тушди.

Югурдим ой билан бўзлаб, йўқотган изларин излаб, Кейин ой бизни ёлғизлаб, унинг айвонига тушди.

Яшайман толмаган толдай, гаму соғинчларим қолгай, Улар дунё юзин олгай, букун майдонига тушди.

Қуйиб Ахтамқули сендек жаҳонда қанча хону бек, Бу савдога қўёлмай чек, қиёмат жонига тушди.

Сахарлаб боғда булбулнинг навоси дилни ўртайдур, Анинг гулзор аро кибру ҳавоси дилни ўртайдур.

Ҳама гул ихтиёрида, учар гуллар диёрида, Шуқур қилмас, яна нозу адоси дилни ўртайдур.

Қалам қон йиғлагай ҳар тун, фиғонимдан қизаргай кун, Булибман ҳажрида Махжун, жафоси дилни ўртайдур.

Кўтар бошингни мажнунтоп, нечун қаддингни қилдинг доп, Мени девона қилган хол, қароси дилни ўртайдур.

Мусича гарчи беозор, унинг ҳам ёри-жуфти бор, Чекар оҳ баъзида зор-зор, нидоси дилни ўртайдур.

Бу кўнғулумни узоқмайман, тилаб кўнглин ололмайман Кўзига тик қаролмайман, жазоси дилни ўртайдур.

Етар Ахтамқули бас қил, бориб булбул билан дарс қил, Сабоқ ол ёрга сўнг арз қил, ибоси дилни ўртайдур.

Сенинг ғамгин нигоҳингда менинг тоғдек гуноҳим бор, Дилимни еб адо қилган, бу кўксим ичра оҳим бор.

Қуёш, жисимини куйдиргин, тегирмонингда туйдиргин, Ғамимга нуқта куйдиргин, гуноҳқорман гуноҳим бор.

Азобимга алам қўшсанг, кейин бир парча ғам қўшсанг, Кетар чоғим қалам қўшсанг, юракда кўп сиёҳим бор.

Дилим дафтар бўлиб қолгай, соғинчим-ла тўлиб қолгай, Югурганлар кўриб қолгай, менинг қайда паноҳим бор.

Ҳилол, кўксимни мен ёрдим, юракни қон билан қордим, Шивирлаб сенга ёлвордим, йўлимда қанча моҳим бор.

Туну кун илтижо айлаб, очар қафтин дуо айлаб, Йўлимга кўз тикар ойлаб, чинордай қўблагоҳим бор.

Нетай, Ахтамқули бўлсам, Яратганинг қули бўлсам, Ғамимга кўмилиб ўлсам, кечиргувчи илоҳим бор.

Ахтамқул КАРИМ

Publication information including the newspaper name 'HURRIYAT', contact details, and subscription rates.